



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Бухоро давлат университети
ректори

А.А.Тулаганов

сентябрь 2017 й

**“Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (бакалавриат)”
интерактив хизматнинг намунавий регламенти**

1.Хизмат таърифи

1.1.Хизмат (паспорт) номланиши

Қисқа номи: абитуриентлар аризасини электрон шаклда қабул қилиш
Кенгайтирилган номи: Бухоро давлат университети (Университет) расмий веб-сайти орқали “Абитуриентлар аризасини электрон қабул қилиш (бакалавриат)”

1.2. Хизмат натижаси

Аризачини университетнинг бакалавриатига кириш учун ариза қабул қилинганлиги ҳақида хабардор қилиш.

1.3. Хизмат кўрсатиш

Хизмат университет томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқитишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 392-сон қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Ўрта ёки ўрта махсус маълумотга эга фуқаролар.

1.6. Ариза бериш муддатлари

Абитуриентлардан аризалар қабул қилиш белгиланган муддатларда 15 июндан 15 июлгача амалга оширилади.

1.7.Бажарилиш муддатлари

3 (уч) иш куни.

2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

-хизмат кўрсатувчи органининг жойлашган жойи, иш тартиби ҳақидаги маълумот;
-хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
-ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
-хизматдан фойдаланиш муддатлари;
-хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот

2.2. Батафсил маълумот олиш

Университетнинг расмий (<http://buxdu.uz>) веб-сайти орқали.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Бухоро вилоят, Бухоро шаҳар, М.Иқбол кўчаси, 11- уй
Мўлжал: Абу Али ибн Сино номидаги фавворалар хиёбони
Транспортлар: 6,76,33,75,86,88 - автобусларнинг “Олмос” кафеси бекати,
72,25,37,11 - автобусларнинг “Университет ётоқхонаси” бекати.

3. Иш вақтлари ва муружаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1. Иш вақтлари

Университет қабул комиссияси душанба-шанба куни соат 09⁰⁰-17⁰⁰ га қадар фаолият олиб боради.

3.2. Кутиш шартлари

3 (уч) иш куни

4.Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1.Зарур бўлган ҳужжатлар

-расм (3.5 x 4.5) (рангли, JPG, JPEG, PNG форматда, оқ фонда, фотошоп ёки шунга ўхшаш дастурлардан фойдаланиш таъқиқланади);
-ЭРИ (электрон рақами имзо);
-жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ).
Куйидаги ҳужжатларнинг сканерланган нусхаси талаб этилади:
-Ўрта мактабни тугалланганлиги ҳақидаги шаходатнома (аттестат) ёки ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги диплом;
-Ҳарбий гувоҳнома (эркаклар учун).

4.2. Хизмат тўлови

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

Университетнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади;
2. “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Абитуриентлар аризасини электрон

қабул қилиш (бакалаврият)” хизмати танланади;

3.Ўқув тили, таълим йўналиши ва имтиҳон топшириш тили танланади (киритилади) ва ҳужжатларнинг электрон нусхаси илова қилинади;

4.Аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;

5.Ариза тўғри тўлдирилганлиги тасдиқланади. “Электрон рақами имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.

4.4. Хизмат кўрсатишининг ички идоравий жараёни

1.Масъул ходим томонидан мурожаат қилувчига ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабар юборилади.

2.Аризага рад жавоб берилса, рад этиш учун асослар мурожаат қилувчиларга юборилади.

3.Аризачи ҳужжатларининг асл нусхасини электрон ариза қабул қилингандан кейин 5 кун ичида университет қабул комиссиясига топшириши шарт.

4.5. Рад этиш сабаблари

Ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган бўлса.

“КИРИТИЛДИ”
Қабул комиссияси масъул
қотиби
А.М.Кадиров
“24 сентябрь 2017 й



“КЕЛИШИЛДИ”
Ахборот технологиялар
маркази бошлиғи
М.З.Хусенов
“24 сентябрь 2017 й